

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси номидан

Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро суди 2024 йил февраль ойининг 16 куни ўз биносида, очик суд мажлисида,

Раислик этувчи: судья Н.Х.Захидова,

судья ёрдамчиси Д.С.Худойбердиевнинг котиблигида,

тарафлар ва адвокатлар С.Қ.Муҳаммадиев, Ш.Х.Расулкулов ҳамда Х.М.Асановларнинг иштирокида, даъвогар Xasanov Sadulla Sodiqovichнинг жавобгар Abduraimova Nasiba Nafasovnaга нисбатан никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво аризаси юзасидан қўзғатилган 2-1002-2306/15591-сонли фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар S.Xasanov жавобгар N.Abduraimovaga нисбатан никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, унда жавобгар билан 1983 йилда қонуний никоҳдан ўтганлиги, турмушларидан беш нафар фарзандлари борлиги, эр-хотин муносабатлари 2019 йилда тугатилганлиги, оилани барбод бўлишига ўзаро мос келмаганлиги, доимий жанжаллар сабаб бўлганлиги, оилани тиклашга ҳаракат қилмаганлиги ҳақида баён қилиб, ўрталаридаги никоҳдан ажратишни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар S.Xasanov даъво талабларини қувватлаб, бугунги кунда оилани тиклаш имконияти йўлқиги, берилган муҳлат ичида жавобгар билан ярашмаганлиги, 2019 йилдан бериш Шоира исмли аёл билан шаръий ни қоҳ асосида яшаб келиши ҳақида тушунтириш бериб, даъво аризани қаноатлантиришни беришни сўради.

Суд мажлисида жавобгар N.Abduraimova даъвони тан олмасдан, ҳақиқатдан эр-хотин муносабатлари 2019 йилда тугатилганлиги ва даъвогар бошқа аёл билан яшаб келиши, лекин агар даъвогар уйга қайтиб келса уни қабул қилиши, яна муддат бериш керклиги, никоҳдан ажрашмаслиги ҳақида баён қилиб, даъвони рад қилишни сўради.

Суд тарафларнинг тушунтиришини ва адвокатларнинг музокара сўзини тинглаб, иш материаллари билан танишиб чиқиб, қуйидаги хулосага келади.

Ўзбекистон Республикаси ФПК 71-моддасига кўра, тарафларнинг талаблари ва эътирозларини асослайдиган ҳолатларнинг мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай фактик маълумот ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар фуқаролик иши бўйича далиллардир. Бу маълумотлар қуйидаги воситалар, яъни: тарафларнинг ва учинчи шахсларнинг ҳамда улар қонуний вакилларининг тушунтиришлари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, ёзма ва ашъвий далиллар, экспертларнинг хулосалари, мутахассисларнинг маслаҳатлари (тушунтиришлари) билан аниқланади.

Суд томонидан аниқланган ҳолатларга кўра, тарафлар 1983 йил 13 март куни қонуний никоҳдан ўтганлар.

Бу ҳақида Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани 1-сон ФХДЁ бўлими томонидан никоҳ тузиш далолатномаларини қайд қилиш дафтарида 12-сонли ёзув қайд қилинган.

Тарафларнинг биргаликдаги турмушларидан беш нафар вояга етган фарзандлари бор.

Тарафлар узил-кесил 2019 йилдан эр-хотин сифатида яшамайди ва ушбу даврдан бошлаб умумий рўзгор юритмайди.

Ўтган давр мобайнида тарафлар оилани тиклаш чораларини кўрмаган.

Бугунги кунга қадар тарафлар оилани тиклаш ва сақлаш чораларини кўрмаган.

Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг 20.06.2019 йилдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар С.Хаасановнинг жавобгар Н.Абдураимовага нисбатан никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъвоси рад қилинган.

Мазкур суд ҳажжати билан тарафларнинг оилавий муносабатлари 2019 йилда тугатилганлиги ўз тасдиғини топган.

Бугунги кунда даъвогар сўзидан Қулматова Шоира Шукуровни исмли аёл билан 2019 йилан буён яшайди.

Бу ҳолатни жавобгар инкор қилмади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 41-моддасига мувофиқ, агар суд эр ва хотиннинг бундан буён биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишга имконият йўқ деб топса, уларни никоҳдан ажратади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги «Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли Қарорининг 16-бандига асосан, ОК 1-моддаси иккинчи қисми талабига мувофиқ никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишни кўришда суд оилани сақлаб қолиш юзасидан чоралар кўриши лозим. Шу мақсадда, суд мажлисида оилани сақлаб қолиш мумкинлигини тасдиқловчи ҳолатлар (болалар борлиги, никоҳнинг давомийлиги, оиладаги муносабатларнинг хусусиятлари ва бошқа ҳолатлар) аниқланса, суд ҳар иккала тарафнинг ёки улардан бирининг илтимосига биноан ёхуд ўз ташаббуси билан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш кўрилишини кейинга қолдиришга ҳақли.

Тайинланган муҳлат яқунлангандан сўнг тарафлар ярашиб олиш учун тайинланган муҳлат бирор бир натижа бермаганлигини, улар ярашишга ҳаракат қилмаганликларини баён қилиб кўрсатма берди.

Тошкент шаҳар Яккасарой туман “Юнус Ражабий” МФЙ далолатномасига кўра, тарафларни оиласини сақлаб қолиш учун қилинган чора-тадбирлар ижобий натижа бермаган.

Гарчи жавобгар даъвони тан олмаса-да, суд, иш ҳолатларини ҳар томонлама кўриб чиқиб, тарафлар узоқ муддат эр-хотин сифатида яшамаслиги ва умумий рўзгор юритмаслиги, оилани тиклаш учун муҳлат тайинланган бўлишига қарамасдан, томонлар оилавий муҳитни соғломлаштириш ва оилани сақлаб қолиш чораларини кўрмаганликларини, бу борада маҳалла томонидан олиб борилган амалий ишлар ҳам натижа бермаганлигини, бугунги кунда тарафлар

ҳар бири алоҳида яшаб келишини инобатга олиб, тарафлар ўртасидаги никоҳ барбод бўлганлиги ва оилани сақлаб қолиш учун имконият мавжуд эмаслиги ҳақидаги хулосага келади.

Бу эса даъвони қаноатлантириш учун асос бўлади.

Суд, иш юзасидан давлат божи ундириш масаласини муҳокама қилиб, даъвогар судга мурожаат қилишда суд харажатларини тўлаганлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Давлат божи тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Оила кодексининг 45-моддасига асосланиб, даъвогардан никоҳдан ажратишни расмийлаштириш вақтида республикада белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 (уч) баравари миқдорида давлат божини ундиради.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 41, 45-моддалари, ФПКнинг 249-253 моддаларини қўллаб, суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Хасанов Садулло Содиқовичнинг жавобгар Абдураимова Насиба Насасовнага нисбатан никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъвоси - қаноатлантирилсин.

Хасанов Садулло Содиқович ва Абдураимова Насиба Насасовна ўртасида Қашқадарё вилояти Чирокчи туман 1-сон ФХДЁ бўлими томонидан 1983 йил 13 март куни тузилган ва 12-сонли далолатнома ёзуви билан қайд этилган никоҳдан – ажратилсинлар.

Хасанов Садулло Содиқовичдан никоҳни ажратишни расмийлаштириш вақтида республикада белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 (уч) баравари миқдорида давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори устидан у қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида ёки қонуний кучга кирган ва апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарори устидан у қонуний кучга кирган кундан эътиборан олти ой ичида кассация тартибида шикоят берилиши ёхуд прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи:

Н.Х.Захидова